

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИЕТИ

Адабиётшунослик кафедраси

МАМАНОВА МАЪСУДАНИНГ

**5220100 – филология таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

“ЭРКИН АЪЗАМНИНГ РОМАННАВИСЛИК МАҲОРАТИ”

мавзусидаги битирув малакавий иши

Раҳбар: **О.Файзуллаева**
филология фанлари номзоди

Гулистон – 2014

РЕЖА:

КИРИШ

**I БОБ. ЭРКИН АЪЗАМНИНГ “ШОВҚИН” РОМАНИДА БОШ
ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ**

1.1. Қаҳрамон талқинида ифода услуби

1.2. Сюжет ва қаҳрамонлар тавсифи

II БОБ. ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ

2.1. Романда эпизодик образлар

2.2. Роман бадиияти

ХУЛОСА

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги ўзбек адабиёти, хусусан, насри тобора ривожланиб, шаклланиб, ўз шакли ва мазмунига эга бўлиб бормоқда. Бунга бу даврда яратилган кўп сонли романлар ва улар орасида савия жиҳатидан бақувват асарлар ҳам мавжудлигини асос сифатида келтириш мумкин. Романларнинг миллий адабиётимиз шаклланишидаги ўрнини ҳисобга олиб, уни ҳам бадиий адабиёт намунаси ёки миллий адабиёт қадрият сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мафкуравий яккаҳокимликдан қутилган ўзбек адабиётида эркин ижод қилиш, эркин фикр асосида мавжуд жараёнга муносабат билдириш кучайиб бормоқда. Шунингдек, ўтаётган даврда мафкуравий етукликка эришиш учун ҳам ёшлар онгида миллат қаҳрамонларига эътироф ва ҳурмат туйғуларини шакллантириш бугунги кун бадиий адабиётининг муҳим вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Романнависликдаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини ўрганиш, уларнинг савиясини белгилаш, китобхонларни яратилаётган бадиий мукамал асарлардан хабардор қилиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидандир. Шундай романлар истеъдодли адиб Эркин Аъзам ижодида мавжуд бўлиб, уни бугунги тезкор ахборот асрида мавжудлигини билдириш, образлар олами билан танишиш ва бадииятини ўрганиш ҳам долзарб илмий

муаммо ҳисобланади. Бу масала бизнинг битирув малакавий ишимиз мавзуси долзарблигини асослайди.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу БМИнинг асосий мақсади ҳозирги ўзбек романнавислиги тараққиётига қисман назар ташлаш ва унинг ўзига хос жиҳатлари, қаҳрамонлар талқинини ва поэтикасини Эркин Аъзам романи мисолида кўриб чиқиш. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мўлжалланган:

- Эркин Аъзамнинг “Шовқин” романини таҳлил қилиш орқали қаҳрамон яратишдаги индивидуаллик масаласига аҳамият қаратиш;
- Бош қаҳрамон тавсифида ёзувчи маҳорати масаласини аниқлаш;
- Асар компонентларининг қўлланилиши ва ёзувчи ғоявий мақсадини тадқиқ этиш;
- Бош қаҳрамоннинг характерли жиҳатлари талқинида ёзувчи маҳоратини асословчи бадиий унсурларни аниқлаштириш кабилардан иборат. Бунда композиция ва сюжет унсурларининг қўлланилиши, бадиий детал масаласи ҳам назарда тутилади.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Мазкур битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги шундаки, бу ишда Эркин Аъзамнинг адабиётшунослар томонидан тўлақонли баҳоланмаган романнавислик маҳорати атрофлича таҳлилга тортилган. Романидаги образлар

талқини ҳам ўзига хос янгилик. Чунки бу муаммо юзасидан ҳам йирик монографик шаклдаги тадқиқотларни учратмадик. БМИда ёзувчи маҳорати масаласи ҳам асосий муаммо сифатида қўйилган ва бунда романининг бадиий жиҳатини ўрганиш ҳам назарда тутилган.

БМИдан эришиладиган натижа асосан романнинг образлар талқини масаласининг тўлақонли равишда ўрганилиши ва бадиий маҳорат ифодаси талқинига эътибор қаратилганида.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур иш шу кунгача Эркин Аъзам ижодида ёзувчи маҳоратини ўрганишдаги бошқа тадқиқотлардан романида образлар талқини яхлит ҳолда таҳлил этилгани билан аҳамиятлидир. Чунки ушбу муаммо ҳали адабиётшуносликда тўлақонли ва яхлит ҳолда ўрганилмаган. Ушбу тадқиқотдан Эркин Аъзам ижодининг мукамал шаклдаги тавсифида, шу мавзудаги илмий тадқиқот ишларида, БМИ ларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши. Мазкур БМИ кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ЭРКИН АЪЗАМНИНГ “ШОВҚИН” РОМАНИДА БОШ ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ

Мустақиллик даври романчилиги воқеаларнинг ёрқин манзараларини таъсирли ва қизиқарли қилиб кўрсата билиши, ўзига хос образлар тизими, давр ўзгаришларининг ёрқин ифодаси билан ажралиб туради.

“Истиқлол даври миллий насримиз тараққиётининг муҳим тамойилларидан бири мафкура тазйиқидан қутулган ижодий жараёнда юзага келган эркинлаштириш натижасида мавзулар доирасининг кенгайганлиги ва халқимиз турмуш тарзини, уларнинг турфа хил руҳий-психологик кечинмаларини адабиётимиздаги мавжуд миллий анъаналар ва жаҳон адабиётидаги илғор тажрибалардан таъсирланиб, ўзига хос турли тасвир усулларида акс эттираётганлигидадир”¹.

Ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари воқеликларига бағишланган бадиий наср намуналари қаторида романчиликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. “Роман – инсон ҳаётидаги ҳодисаларни, ижтимоий ёхуд психологик конфликтни характер билан узвий боғлиқ ҳолда ривоявий усулда тасвирловчи катта эпик асар. Роман, одатда, киши ҳаётидаги ғоятда муҳим воқеа тасвирига бағишланади. Ва унда шу воқеага қадар ва ундан сўнг рўй берадиган воқеалар батафсил баён қилинмайди”². Кўринадики, роман жанри ўз

¹ Тўраев Дамин. Янги ўзбек адабиёти. – Тошкент. Фан, 2008. – Б. 178.

² Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент. Ўзбекистон, 2002. – Б. 470.

мазмун-моҳиятига кўра катта ҳажмли ва ҳаётнинг айрим кўринишини, қаҳрамон ҳаётидаги муҳим воқеликни қамраб олиши билан ажралиб туради.

Романнинг ўзига хос айрим хусусиятлари мавжудлиги ҳақида назарий манбаларда маълумотларга дуч келиш мумкин. Хусусан, унинг инсон ҳаётидаги алоҳида бир воқеа асосига қурилиши, унда эпик асарга хос сюжет унсурларининг барчасини топиш мумкин эканлиги, яъни, экспозиция, тугун, кульминация, воқеалар ривожини ва ечимлар шулар жумласидандир. Шунингдек. Роман асосида инсон тақдири яширинганлиги, драматик вазиятлар ва хоказоларни айтиб ўтиш жоиз.

Роман бошқа жанрлардан ривоянинг узунлиги билан ажралиб туради. Ушбу жанрда ижодкорларнинг сўз қўллаш маҳорати яна бир бор синалади. Чунки ғоявий мақсадни амалга оширишда роман жанридан фойдаланишни мақсад қилган ёзувчилар маҳорат борасида ўзларини намоён қиладилар. Мана шундай адибларимиз қаторида таниқли адиб Эркин Аъзам ҳам бор бўлиб, унинг романнавислик маҳорати мустақиллик даври насрида ўзига хос аҳамиятга эга.

Адибнинг “Шовқин” романи мавжуд бўлиб, ушбу асар қаҳрамонлари ўз замонасининг оддий одамларидир. Уларнинг кўпчилиги инсоний фазилатлар қатори кўплаб камчиликлардан ҳоли бўлмаган, ҳар қадамда қоқилиши,

айрими тик туриб йўлида давом этса, айримлари эса қайта туришга куч топа олмайдиган ожиз инсонлар ҳам дейиш мумкин.

Эркин Аъзам романида бош қаҳрамонлар юқоридаги тоифа инсонлари бўлиб, уларнинг ўзига хослиги тоталитар тузум давридаги замона қаҳрамонлари эмаслигида кўринади. Яъни, улар ҳам оддий кундалик ҳаёт тарзи ва турмуши билан овора бўлган бирор соҳа вакиллари.

“Асар воқеаларининг марказида туриб, сюжетни ҳаракатга келтирадиган, ёзувчи ифодаламақчи бўлган асосий ғояни ўзида ташийдиган шахслар бош образ ёки бош қаҳрамон деб аталади”¹. Бу таъриф кўпроқ катта эпик асарлар бўлган қисса ва романларга нисбатан қўлланилади. Романда асосий ғояни ўзида мужассам этган бош образ мавжуд бўлади. Ундаги асосий қаҳрамонлар атрофлича талқин этилмаса-да, ёзувчининг ўринли тавсифи орқали китобхон кўз ўнгида гавдаланади.

Адабиётшуносликда шакллантирилган тамойилларга кўра қаҳрамонлар ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Лекин Эркин Аъзам романлари қаҳрамонлари ҳақида бундай кескин тавсифни айтиш қийин. Чунки улар ўз моҳияти, характер-хусусиятига кўра мураккаб ва айна чоғда содда инсонлардир.

Адибнинг “Шовқин” романи қаҳрамони ўзига хос касб соҳиби, яъни киносценарийчи. Ушбу қаҳрамон ҳақидаги

¹ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент. Ўзбекистон, 2002. – Б. 59.

маълумотлар қаҳрамон – муаллиф томонидан ҳикоя қилинади. Ҳикоячи қаҳрамон нутқида ҳажв усули етакчилик қилади. Яъни, ёзувчи ҳақидаги тавсифларда киноя оҳанги сезилади. Адибнинг барча асарларига хос бўлган етакчи хусусият бу асаридаги ҳар бир сатр, ҳар бир сўз замирига сингиб кетган мазмунда англашилади. Айтиш мумкинки, асар бошдан-оёк «табiiйлик шарбати» билан суғорилган. Бундай шароитда эса фақат табиий ҳислар, ҳатти-ҳаракатлар билан шаклланган, яратилган қаҳрамонларгина яшашга қодирдирлар. Адиб кишилар онгига уларнинг ҳислари орқали таъсир қилади. Шунинг учун романдаги образларнинг яхши ва ёмонлиги билан исбот килинмайди, хулосалар чиқарилмайди.

Роман структуравий жиҳатдан ҳам ўзига хос бўлиб, унда ҳар бир воқеа сарлавҳалар ва рақамлар билан ажратилган. Улар бўладиган воқеа моҳиятини очиб берадиган мазмунда.

Асарда кечиктирилган экспозия усулидан фойдаланилган. Асар тугуни экспозициядан олдин келтирилган.

Яъни, роман бош қаҳрамони бўлган Фарҳод Рамазоновнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоячи қаҳрамон – ўзининг тавсифи орқали баён қилади. Роман Фарҳодга иккита хабар келиши билан бошланади. Бу икки хабарнинг бири Равшан Ақобиров номли машҳур режиссёрдан, иккинчиси эса Викториядан эди. Улар Фарҳоднинг бир қанча йил илгариги

хамсухбатлари бўлишган. Орадан ўн етти йил ўтгач, улардан хабар келиши Фарҳодни ҳайратлантиради.

Романнинг тугуни ҳам айнан шунда. Чунки бу хабарларнинг бирида унинг сценарийси Голливудга қабул қилинганлиги ҳақида, иккинчиси эса унинг Викториядан ўғли борлиги, бу йигитчага паспорт олиш кераклиги, у ўзбек миллати фарзанди сифатида паспорт олмоқчилиги, бунга эса Фарҳоднинг ёрдами кераклиги ёзилган эди. Бу гаплар нималарни англатиши, Фарҳод Рамазоновнинг ўзи ким эканлиги асардаги муаммоларнинг бошланиш нуқтаси бўлиб, унинг таништирилиши асарнинг учинчи қисмида акс эттирилган.

Романнинг бош қаҳрамони Фарҳод Рамазоновнинг асл исми-шарифи Фидель Мирзаевич Рамазонов бўлган, лекин ўзи бу исмидан ҳижолат бўлганидан ҳаммага ўзини Фарҳод деб таништиради. Мълумки, Фидель исми Кубанинг ўша пайтдаги даҳоси номи бўлиб, Фарҳод туғилган йили у Ўзбекистонга келган, унга хавас қилиб дадаси бу номни берган эди.

Фарҳод Рамазонов биринчи марта Москвадаги киночилар уйига бориши воқеалари орқали асарнинг экспозицияси шакллантирилган.

Асарда муаллиф нутқи “кинобобо”, “киномомо”, “киноафсона” (олдинги иккови), “кинокатта” (раис), “кинобой” (картина директори), “киноқул” (ёрдамчилар, декорация

ясовчилар), “киножонон”, “киноулфат”, “киноғурбат” каби киноя сўзларга, сарказмга бой тарзда шакллантирилган.

Асарда “кинобобо” деб аталган кинонинг афсонасига айланган режиссёрлардан бирига ҳикоячи қаҳрамон – Фарҳод Раамазонов томонидан таъриф берилди. Унинг маънавий қиёфаси, гап-сўзлари ва ҳаёт фалсафаси, умуман, ўзлиги киноявий нутқ ва айрим лексик ресурслардан фойдаланган ҳолда акс эттирилган:

“Йўқ, қиз... ўша келин-да, ўлмайди! Ўлдирмайсан уни. Қолсин. Где гуманистический подход?! Ну, анови шопир биргина қарабди, ну, ҳаваси келган, айлантормоқчи бўлган – эри йўқ. Ну қиз... келинни айтяпман, унинг ҳам сал кўнгли суст кетган, естественнo – эри йўқ, эр узоқда. Лекин ўртада ҳеч нарса бўлмади-ку! Подумаешь! Мало что! – дея у тагин кинотилга ўтади – инобатли тил, гўё асло эътироз қилиб бўлмайдиган тил; бояги каби “ўткир” хитобларга уч-тўртта хос атамани қориштирасангиз – кинотил тайёр-да! – Это жизнь, парень!”¹

Аксар ҳолатда киноявий нутқ кино оламидаги ўзига хос “юлдуз”ларнинг асл ҳолатини кўрсатишга қаратилган. Чунки улар ўртасида софлик, покизалик каби туйғулар йўқолаётгани, ҳалол билан харомнинг фарқига бормаслик, энг асосийси уларнинг руслашиб бораётганлиги, ўзлигини йўқотиб бораётганликларига ишора қилинган.

¹ Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 24-бет.

Фарҳод Ақобировнинг асосий саргузаштлари унинг Гуля Лагутина дегн аёл билан танишганидан сўнг бошланади. Чунки бу аёл Фарҳоднинг тақдирига жиддий таъсир кўрсатадиган воқеаларга сабабчи бўлади. Шунингдек, бош қаҳрмоннинг ҳаётид аҳамиятли бўлган Викториянинг онаси сифатида ҳам катта аҳамият касб этади.

Асарда ушбу образ очиқ-сочиқ, дея търифланади. Чунки бу аёл бошқалардан фарқли ўлароқ киришимли ва муомалали эди. У ёш ва иқтидорли кинодраматург сифатида Фарҳоддан интервью олиб, уни машҳур журналда чоп эттиромоқчи бўлади. Шу сабабли ҳам Фарҳод унинг уйига бориб қолади. Тунашга жой сифатида у қизи Вика-Викториянинг хонасини унга таклиф қилади. У “викахона”да ухлашга мажбур бўлади.

Романнинг воқеалари изчил берилмаган. Москвадаги тасвир бирданига Илмень кўли бўйидаги уларнинг бир гуруҳ санъаткорлар билан гостролга борган чоғларига боғланиб кетади. У ерда гострол сафари давомида доимий ҳамроғи бўлган “байналминалчи чол” лақабли инсоннинг ҳам ўзликни йўқотиш – қурамалашини тарафдори эканлигини билгандан сўнг ундан нафратлана бошлаши воқеаларига кўчирилади. Бу чолнинг ҳам бир пайтлар Фарҳоднинг отаси Мирза ака ҳавас қилиб юрадиган комфирқанинг фидойиларидан эканлиги, лекин аслида эса ҳаётда маънавий бузуқ, тубан бир кимса эканлиги Фарҳоднинг ҳаёт фалсафасига таъсир этиб боради:

- Бизнинг оила ҳам байналминалчилардан, Фарҳоджон! Кампиримиз денг украинка, бир ўғлимиз поляк қизига уйланган, яна бири – ўрисга. Катта қизимиз яҳудий йигит билан турмуш қилган, кенжаси Ереванда яшайди – Масков консерваториясида бирга ўқиб, арманига тегиб кетган. Неваралар ҳам шундай. Биттасини Москвадаги бир генералнинг ўғлига узатганмиз. Шундай қилиб, қудамиз генерал, куёвимиз – учувчи!
- Оббо, аралашқўрғон экан-да бу ёғи! – деб юбордим худди ўзим ҳам шу қўрғонга кириб араллашиб кетган каби кўнглим ғаш тортиб. – Бирортаям ўзбекка теккани ё ўзбекдан уйлангани йўғ-а!
- Ҳа, ҳа шундай. Зўр-да, қаёққа борманг – ўзингизники! Замон талаби бу. Ҳамма бир миллат бўлса, нимаси ёмон? Байналмилалчилик дегани шу-ку!
- Ўзбекнинг ўзи-чи? Қони араллашиб кетса, ўзбек деганимиз нима бўлади, домла?!
- Ўзбек? ... Ҳа, қайтанга яхши эмасми? Қон янгиланади, яшаради, миллатнинг қиёфаси ҳам кўркамлашади, истеъдоди ортади. Тўғрими гапим?
- Тўғри эмас! Яхши ҳам эмас! ... Менга унақа миллатнинг ҳам, бировдан садақага олинадиган қиёфа-ю истеъдоднинг ҳам даркори йўқ! Миллат эмиш!

Агар сиз айтгандек бўлса, миллат дегани қоладими дунёда?!¹

Муаллифнинг персонаж нутқида ифодалаган ушбу сўзлари миллий ўзликни асраш билан боғлиқ дунёқарашлар бўлиб, бу сўзлар, айти ҳақиқат эканлиги, долзарб муаммолардан эканлиги барчага маълум. Яъни, муаллифнинг ушбу асари замонавий муаммолардан кўпчилигига китобхоннинг диққатини қаратган, булар устида мушоҳада юритишга ундаган. Бундан кўринадики, ёзувчи замонавий мавзудаги романида шу даврга хос бўлган масалаларни жойлаштирган.

Романнинг бош қаҳрамони бўлган Фарҳод Рамазонов қулоғида бир ғалати шанғиллаш – шовқин пайдо бўлганидан зада бўлиб, қулоғини даволатиш мақсадида Хитойга ҳам бормоқчи бўлади. Лекин хитойликларнинг “Цигун” деган хитойча халқ табобати билан шуғулланадиган фирмасини эшитгач, ўшаларнинг Мосвага келганидан қувониб, касалхонага муолажага бора бошлайди. Лекин улардан ҳеч қандай наф кўрмайди. Воқеалар асосида турган ана шу ҳақиқий маънодаги қулоқдаги шовқин, асарда рамзий маъно касб этган. Асар сарлавҳасида бу нарса оддий бир кинодраматургнинг атрофида воқеликдаги турфа кишилар тақдири, уларнинг ўзига хос дунёқарашлари маъносида салбий маънода шовқин деб юритилади. Яъни, шовқин инсон

¹Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 56-бет.

яшаётган муҳитидаги турфалик, талотумлар ифодаси, уни даволаб кетказиб бўлмаслиги эса, ҳаётнинг беқарор эканлиги, унинг давом этгани сари турфалик кучайиб шовқин ҳам ортиб боришига ишора сифатида келтирилади.

Асарнинг бош қаҳрамонининг ўзи ҳам покиза – идеал даражада қилиб тасвирланмаган. У ҳам реалистик образ сифатида, бутун камчиликлари билан кўрсатилади. Хусусан, унинг ҳам турфа йўллар билан ўз сценарийсини бадий кенгашдан ўтказиши, яъни “устоз” – кинобобога ўқиб бериш чоғида унинг уйига бозор қилиб бориши, ўзи Москвада танишган Лариса Лагутинанинг ёшгина қизи билан ишқий алоқага киришиши, уни ўзига ўзи никоҳ ўқигандай ҳаракатлар қилиб, никоҳига олган хотини сифатида бирга яшаши ва кейинчалик ташлаб кетиши, бу қаҳрамоннинг ҳам иллатлардан ҳоли эмаслигини далолатлайди.

Романда Фарҳод ва Виктория муносабатлари бир сюжет чизиғигаа бирлаштирилган. Бу чизиқни шартли равишда севги йўналиши дейиш мумкин. Унга кўра Фарҳоднинг базмхонда унга қадрдон бўлган Гуля Лагутинанинг қизи Викторияни биринчи марта учратиб қолиши бу чизиқнинг экспозицияси бўлади. У қуйидагича тасвирланган:

“Ёзувчини кузатиб қйтган Фарҳод нимқоронғи зинапоя бўйлаб базмхонага энаркан, ялтир-юлтир бар пештахтаси олдида малла сочлари силлиқ таралган бўйчангина бир қизнинг елкасига осилиб турган Гуляга кўзи тушди”.

- Танишинг, бу менинг қизим Вика, - деди завқ билан бидирлаб. – Виктория Андреевна Лагутина. Бўлажак актриса. Ҳозирча биттагина фильмда суратга тушган, аммо келажаги чакки эмас. Чиройли қиз-а, тўғрими?¹

Қизнинг умумий ташқи кўриниши тасвири ва унинг онаси томонидан таништирилиши йўналишнинг экспозиция ҳисобланади.

Фарҳоднинг қизнинг чиройини кўриб лол қолиши йўналишдаги тугун дейиш мумкин:

“Бу қизни ўзбек десангиз. Қароқларининг туб-тубидаги бир бегоналик ҳалал беради, бошқами десангиз – ҳақингиз кетадигандек. Чиройлилар асли алоҳида бир миллат. Сенга қолса-ку уларнинг бари ўзбек!”²

Кейинчалик иккови бир-бирига кўнгил қўйиб, яширинча учрашиб юришлари, Виканинг Фарҳоддан бола кўриш истаги, кейинчалик эса қизнинг онаси билан Ўзбекистонга борганларида яна учрашиб юришлари ва Равшан Ақобиров туфайли иккаласининг ажралиб кетиши кабилар воқеалар ривожига киради.

Йўналишнинг кульминацион нуқтаси Викториянинг Фарҳоддан ўғли бор эканлигини билиши бўлади. Чунки унга қиз бу ҳақида ҳеч қачон айтмаган бўлади.

¹ Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 111-бет.

² Ўша китоб. 112-бет.

Ечими эса Фарҳоднинг яна Россияга бориши ва у ерда аэропортда Виктория ва ўғлини кўриши, улар билан яна қайта топишиши билан якунланади:

... Ўнғайсизланар экансан киши: шунча йил, шунча савдолардан кейин-а!

- Ўзи қани? – деди Фарҳод Рамазон юраги тошиб.
- Ким? Равшанми? Ташқарида у. “Ауди” деган янги ўйинчоқ сотиб олган, ўшани кўриқлаб, кутиб ўтирибди. Ўзинг биласан, бир оз ноқулай унга.
- Йўқ, болани сўраяпман.
- Ҳа, ана-ку, - деб қўли билан ишора қилди Виктория. – Фарҳод Фарҳодович Рамазанов! Бир юзу йигирма беш фоизлик ўзбек!.. Бери келсанг-чи, ҳей!

Ўн қадамлар нарида ялтироқ тўсиққа ўмган ташлаб дароз бир ўспирин турибди. Хўмрайиб олган. Ўқдек тикилади одамга.

“Ҳаҳ, энағар! Қимирлайн ҳам демайди-я! Мирзо Рамазоннинг қони-да, эррайимлиги бор!”¹

Бундаги ҳолат Фарҳоднинг ўз фарзандидан фахрланиши, унга нисбатан ҳис этаётган оталик меҳридан далолат беради.

Асарнинг асосий мазмунида мана шу сюжет йўналиши ётади. Қолганлари мана шунинг атрофида бирлаштирилади.

Асар давомида ижтимоий ҳаётда учраб турадиган турли тоифа инсонларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз

¹ Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 188-бет.

боради. Улардан бири экстросенс Абдушароф ака деган одам ҳақида бўлиб, бу одам ҳам ҳеч қандай қобилиятга эга бўлмаган, инсонларни фириб билан “даволаётган” сохта табиблардан бири сифатида гавдалантирилган. Унинг маънавий қиёфаси ҳам ўзининг касби-коридан ортган эмас. Яъни, ҳаммага келиним, деб таништирган жувон аслида у билан ишқий муносабатда бўлган аёллардан бири эканлиги буни далиллайди. Унинг саводи ҳам бир ҳолатда. Чунки ундан оддий одамлар Навоий тахаллусининг маъноси ҳақида сўрашганида, уларга у новвойнинг фарзанди бўлгани учун тахаллуси шунақа, дея жавоб беради. Ногирон кўлига нима қилганини сўраганларга Америка урушида яраланган, деб айтиб юради.

Романда бош қаҳрамоннинг отаси образи ҳам ўзига хос бўлиб, у ҳам бир умр масъул лавозимларда ишлаган киши. Лекин бир аёл туфайли ота ва ўғилнинг ораси совуқлашади. Яъни отаси болалар уйида тарбияланаётган бир қизни - Паризодни яхши кўриши, у билан ишқий муносабатда эканлигини билиб қолади. Паризод ҳам асосий қаҳрамонлардан бири бўлган Равшан Ақобировнинг опаси эканлиги яна бир ўзига хос тасодиф сифатида кўрсатилган.

Асарда отасининг ўлими хабарини эшитган ўғил унинг таъзиясига етиб боролмайди. Чунки у пойтахтда ўқир эди. Отаси ҳақидаги ўйлар ҳикоячи қаҳрамон тилидан қуйидагича ифодаланган:

“Алҳосил, бу дунёда тиниб-тинчимаган замонпараст эллик тўрт ёшида тўсатдан дунёни тарк этди. Ёлғиз ўғлига Фидель дея ажнабий номлар қўйган ажабтовур зот! Ундан жанозасига етиб келолмаган биргина ўғил қолди. Унга берилган ўша ғаройиб исм ҳам қолди: Фидель...”¹

“Шовқин” романининг мазмун-моҳияти ундаги эпизодик образ сифатида киритилган ёзувчи образининг поезддаги ҳамроҳи асарда Фарҳодга ҳамдарад қилиб кўрсатилган. Чунки улар қулоғидаги шовқин туфайли дардкаш ва юртидан йироқда юрган пайтда юртдош бўлиб қолишган эди. Романда ёзувчи образи нутқи орқали ҳикоячи қаҳрамонлик вазифаси бажарилган. У уни ва Фарҳодни қийнаган қулоқдаги шовқиннинг маъно-моҳиятини уларнинг учрашувидан анча йиллар ўтиб, номдор табибу докторлардан эмас, балки оддийгина, аммо кўп балоларни бошидан ўтказган бир одамдан эшитганлигини айтади. Ушбу одамнинг гаплари романнинг асл ғояси ва моҳиятини очиқ берган, дейиш мумкин:

“... Қаранг, ҳаёт ўзи ғала-ғовур шовқинга тўла-ку, тўғрими? Гап энди шунга кўмилиб қолмасликда, кўнгилни шундан озод асрай олишда. Кимки бу талотўпнинг ичидан кўнгилга мос бир оҳангни топа билса, ана ўша одам ютади, ана ўшанинг армони камроқ бўлади. Кўнгилни ўйланг, кўнгилни авайланг, иним. Кўнгил – ўзингизники, қолган

¹ Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 98-бет.

шовқин-сурон эса дунёга тан. Ахир, қулоқ жонивор фақат беҳуда шовқин-суронни эшитмоққа берилмагандир! Бунда сиз муслмон бўласизми, яҳудю масиҳоми, фарқи йўқ. Одамзоднинг бола-чақаси, қавм-қариндоши, уруғ-авлодию қабила, миллати сон-саноксиз бўлиши мумкин, лекин ўзи ягона, бир нусхалик, холос! Кўнгил ҳам шундай – биттагина, якка-ягона. Қолгани – ўткинчи шовқин-сурон”¹.

Бундан инсон ижтимоий ҳаёт ташвишларини бир четга суриб, ўз кўнгли буюрган ишни қилиши керак, дунёга бир бора келадиган инсон қалбига қулоқ тутиб яшаши керак, деган маънони тушуниш мумкин.

Ҳикоячи қаҳрамон бўлган ёзувчи тилидан Фарҳоднинг ва ўзининг кейинги ҳаёти тафсилотлари ҳам берилган. Яъни, қулоғидаги шовқинни минг югуриб ҳам даволай олмаган Фарҳод охири тақдирга тан бериб, “кўзойнагининг сопига” эшитув ускунасини ўрнатиб олганлиги, у мансабдор бўлгани учун ҳам ҳар хил шивир-шивирларни эшитиб турмоғи кераклиги ҳақида гапирди. Ўзининг эса ҳалиям ўжарлик қилиб, “кўп гуноҳ гаплардан ғофил юрганлиги эвазига нариги дунёда соғлом қулоқ ато этишидан умидвор эканлигини айтиб ўтади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Шовқин” романида бош қаҳрамон масаласи юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

¹ Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 110-бет.

- Роман бош қаҳрамони Фарҳод Рамазон мураккаб образ бўлиб, асарда ўртамиёна кинодраматург, кино соҳасининг оддий вакили, камчиликлардан ҳоли бўлмаган инсон сифатида тасвирланган.
- Фарҳод образи мустамлака тузум ва янги – мустақил давлат барпо бўлиши чегарасидаги воқеалар ичида тасвирланади.

Хулоса қилганимизда, Эркин Аъзамнинг “Шовқин” романи бош қаҳрамони бўлган Фарҳод Рамазон реалистик образ бўлиб, асарда жиддий камчиликлардан ҳоли бўлмаган инсон сифатида яратилган.

II БОБ. ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ

“Инсонни маълум бир ҳаётӣ, ижтимоӣ, тарихӣ ва бошқа шароитларда тасвирлаш бирча ижодий методлар учун умумий қонундир. Бироқ қаҳрамон характерининг ҳар бир қиррасини ҳаётнинг объектив шароитларига мослаштириб, шу йўсинда далиллаб тасвирлаш барча ижодий методлар учун умумий қонундир. Бироқ қаҳрамон характерининг ҳар бир қиррасини ҳаётнинг объектив шароитларига мослаштириб шу йўсинда далиллаб тасвирлаш фақат реалистик адабиётга хос бўлган ҳодисадир”¹.

Шу қонуниятлардан келиб чиқилса, Эркин Аъзам романларини реалистик адабиёт намуналари дейиш мумкин. Чунки муаллиф ҳар бир қаҳрамон характерини очиб беришда объектив шароитга барча жиҳатларни мослаштиришга ҳаракат қилади. Ана шу мослаштириш жараёнида у бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланади. Хусусан, пейзаж, портрет, бадиий детал, интарьер, персонаж нутқи кабилар шулар жумласидандир.

Ҳар бир бадиий асарни тадқиқ этишда айнан унинг бадиийлигига аҳамият қаратилади. Айнан бадиият ёзувчи маҳоратини очиб беришда катта аҳамият касб этадиган унсур ҳисобланади.

¹ Муаллифлар жамоаси. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. – Тошкент. Фан. 1978. – Б.154.

“Роман ўз табиатига кўра характерларни энг майда деталларигача тасвирлашни талаб этмайди. Характернинг шаклланиши ҳам роман ва повестдагидек батафсил кўрсатилмайди. Аксинча, романда шаклланган характер ва типларнинг маълум бир моментларигина ёритилади”¹. Эркин Аъзам романларида тайёр шаклланган характерлар тавсифидан ташқари айрим характерларнинг шаклланиш жараёнидаги муҳим лавҳалар ҳам эслатиб ўтилади.

Романда турли тоифа инсонлар образлари асарнинг етакчи қаҳрамони бўлган образларни очиб бериш учун қўлланилган. Хусусан, Равшан Ақобиров, Бахтиёр, Суръат, Элмира каби образлар шулар жумласидан.

Асардаги Ақобиров каби ўз касбининг усталари, уларнинг ишончига кирган содиқ одам сифатида ҳаракатлантирилган. У эса ўз мавқеи ва таъсир доираси билан шуҳратнинг ҳар қандай шаклини забт этишга ҳаракат қилган кишилар тоифасидандир.

Романда жамиятдаги шу каби иллатли кишилар қаторида бир яхши фазилатли инсон образи ҳам шакллантирилган.

Асар қаҳрамониغا тўлақонли тавсиф бериш мумкин. Ушбу образ аслида романчиликдаги янгича типдаги ёзувчи образи шакллантирилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Лекин роман қатнашчилари бўлган ҳикоячи қаҳрамоннинг улфатлари, ўзларининг таъбири билан айтганда, халқнинг

¹ Ўша китоб, – Б.173.

бир бўлаги, роман давомида улар ўрни-ўрни билан иштирокчига айланади.

“Шовқин” номида ўзига хос ҳаёт тарзи, кундалик ҳаётни ўзгартирган воқеа ҳақида сўзланади. Романда қаҳрамон яна ўша истехзоли нутқ услубида сўзлаттирилган. Ёзувчи романдаги образларнинг кўпини номи билан эмас, лақаби билан атаб қўя қолади. Хусусан, “стиляга тоға”, “Карашо” хола, “ҳамшаҳар” каби образлар шулар жумласидандир.

Асар қаҳрамонлар романда айрим ўринлардагина кўзга ташланади. Бир ўринда унинг тавсифи кенгроқ қилиб ифодаланади. Муаллиф уларнинг тавсифида сарказмга алоҳида ўрин беради. Киноялар орқали қаҳрамонининг салбий хусусиятларини кўрсатиб бермоқчи бўлади:

“Ёстиқдек сўмкасини қўлтиқлаб, бўялмаган, оқ аралаш сочларини ҳурпайтириб олган Гуля Лагутина кирди хонага. Ёнида Фарҳод кунда-кунора кўриб юрадиган, анови ленинободлик арбоб чолнинг ишқи тушган қорасоч жувон”¹.

Бу тасвирдан ҳам қаҳрамонларнинг портрет чизгилари, ҳам киноявий усулни илғаш мумкин.

“Мактабни олтин нишон билан битирган Эшпай-Эшбой эса Россияларда ўқиб келиб, ўрисчаси бақувватлиги важдан тезда кўтарилиб кетади, ҳатто райкомнинг иккинчи котиби даражасига етади. Энди эл уни бундай деб таърифлайди:

¹ Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 84-бет.

“Ҳароми бўлсаям, лекин ўзи зўр, энағар! Энағар ҳаромилар шундай зўр чиқаркан-да, қаранг!”¹

Бундаги таърифланаётган эпизодик қаҳрамон “валади зино” фарзанд бўлиб, бундай инсонларнинг жамиятдаги мавқеи ҳам уларни исноддан халос эта олмаслигига ишора қилинмоқда. Парчада қўлланилган вульгаризмлар ана шу тоифа кишиларни таърифлаш учун келтирилган.

Асар сюжети марказида турадиган яна бир образ Гуля Лагутина бўлиб, у жонкуяр, ўзига хос миллатпарвар қилиб таърифланса-да, ҳаётини бесамар ишларга сарф қилиб юрган тоифа инсонларининг типик вакили, дейиш мумкин. Бу билан жамиятдаги “жонкуяр” сифатида тавсифладиган инсонларнинг сирти ялтироқ, ичи қалтироқ ҳаёти ҳам кўрсатиб берилган. Уларнинг бир зиёфатдан сўнг антрополог чолнинг уйига борган ҳолатлари қуйидагича таърифланган:

“Бу хондоннинг ҳам омонат бекаси Гуляхонимнинг ўзлари экан. Ошхонага кириб-чиқиб у бирпасда қошиғу санчқиларни, синиқ-мертик стаканларни зиёфатга шай қилди. Тагин зум ўтмай қаҳваю чой кўтариб келди. Бошланди: чақ-чуқ, оғиз чапиллатиш, ора-орада мулозмат, ҳазил-мутойиба, ҳар хил тилаклар, Гугушидзенинг хушбўй тутуни ва ҳоказо”².

¹ Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 126-бет.

² Ўша китоб. 117-бет.

Бундан Гуля Лагутинанинг характер тавсифидан ташқари ўшандай зиёфтлардаги умумий ҳолат киноя усули билан ёритиб берилган.

Кўринадикки, муаллиф нутқидаги сарказм романнинг зарур ўринларида юқори пардага кўтарилади. Ушбу парчадаги “улуғ”, “кўру кар гумашта”, “одамшаванда”, “шаккок”, “ҳамнавоз”, “дарраласалар” каби сўзларнинг ҳар бири замирида киноя маъноси яширинган. Бу сўзлар роман қаҳрамонларининг характерини очишга хизмат қилган.

Эркин Аъзамнинг ушбу романида жуда кўп эпизодик образларга тавсиф ва таъриф берилади. Кўпчилигининг биографияси, айниқса қайси миллат вакилию, қайси миллат билан аралашиб кетганлиги ҳақидаги маълумотлар кўплаб учраб турди. Буни Гуля Лагутина, “ҳамшаҳар”чол ваа унинг оила аъзолари, “бурёт маликаси”, Равшан Ақобиров, Вика кабиларнинг тавсифларида кўриш мумкин.

Ҳатто исмларнинг номланишида ҳам киноявий усулдан фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Бунга Платон Сократович, Адҳам Делон, Вадим Суровский, Игорь Семашенков каби номлар шулар жумласидан.

Адҳам Делон номли образга ҳам романда атрофличаа тавсиф берилган:

“Адҳам Делон Тошкент яқинидаги машъал бир колхознинг собиқ раиси ...Миркомил Зархўжаевнинг худодан тилаб-тилаб олган арзандаси. Ёшлигидан ҳеч бир камлик

кўрмай илиги тўқ, кўзи тўқ ўсгани бир томон, йигитлик кўркидан ҳам бас дегунча берган эди унга. Боз устига ўлгудек ясанчоқ, ҳар турли кийим-бошга ўч. Кўп умри киносафарларда ўтар, ҳар гал Тошкентга ажаб-ажаб қилиқлар чиқариб борар эди. Бир кўрсангиз қўлида асоча кўтариб юрибди, бир кўрсангиз – бўйнида заифона шойи рўмолча ёки капалакнусха бўйинбоғ, яна бир қарасангиз – хотинларга ўхшаб сочини орқасига танғиб олган... Худдики машҳур Ален Делон!”¹

Асар давомида унга яна қўшимча таъриф берилади. Ундан ижтимоий маъно ҳам келиб чиқади. Яъни, замонавий киноарбобларнинг қай йўллар билан танилиш жараёни киноявий усулда ёритиб берилган:

“... Аммо ўзи жуда хушфеъл, беғубор, борини бировдан аямайди – қўли очиқ. Гинаю кек сақлаш нималигини билмайди. Чиқиб, йил оша оладиган бўшдан-бўш фильмларининг пўстагини ағдариб ташласангиз ҳам, эртаси куни “Ничево, ничево, старик, я тебя барибир люблю!” дея кучоқ очиб келаверади.

Шундай бўлгани билан у ишига роса пишиқ, уддабурон. Миллий турмушдан чандон йироқ, ҳар гўрдан улги олиб амал-тақал йўсинида ясалган ўша ғариб фильмлари нечукдир фестивалларда дoston бўлиб, турли совринларга кўмилиб қайтади. Уйдаги шивир-шивирларга кўра, бунда анжуманма-

¹ Эркин Аъзам. Шовкин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 138-бет.

анжуман кезиб юрадиган анови киношунос хонимларнинг хизмати катта эмиш...”¹

Кўринадик, ҳаётдаги, ижтимоий жараёндаги бундай тоифалар ҳақиқий санъатни оёқости қилиб, ўзининг енгил ҳётини яшаб ўтаверадилар, лекин улардан ном-нишон қолмаслиги ҳаёт ҳақиқати.

Асарда Фарҳоднинг хотини Зухра ва унинг опаси Зебо образлари эпизодик қаҳрамонлар сифатида талқин этилган. Зухр табитан содда в кўнгилчан, бадстир рўзғор эгаси сифатида талқин этилади. У эрининг ўзига хиёнат қилаётганини ҳам сезмайди, эри ҳам ундан бундай ҳолатларни яширади, иложи борича унинг кўнглига озор бермасликка ҳаракат қилади.

Асарда Фарҳод иккала опа-сингил билан бирдай гаплашиб юриб, бирини танлаб уйланиш керак бўлган чоғда ёшроқ деб синглисига уйланган бўлади. Зебоси эса турмуши яхши бўлмай ажрашиб кетади, унинг қўлини сўраган бир одамни ҳам рад этади ва тақдири асарда қуйидагича баён қилинган:

“... Анови физик-лирикнинг қўлини рад этиб, нечундир сизлардан ҳам аразлаб юра-юра, хориж радиосига ишга ёлланди-ю Лондонга жўнаворди. Бир арабга теккан, турмушидан чандон рози, ўқтин-ўқтин синглисига ҳар нав чойлардан тухфа юборади. Баъзида “Зебонинг чойидан

¹Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 139-бет.

дамла, Зебомизнинг чойидан!” десанг, Зухра сенга ғалати тикилиб қолади. Хотинларни тушуниш қийин. Ўзининг опаси-ку!”¹

“Шовқин” ромнида композицион унсурлар бўлган пейзаж ва интерьер тасвирлар бошқа ижодкорларники каби ҳар томонлама мукамал берилмасда, лекин бундай унсурлар ўзига хос тарзда, айрим ўринларда келтирилиб ўтилади:

“Самолёт ваҳимали тебрана-тебрана оппоқ парқув булутлар бағридан чиқди-да, вазмин гувраниб пастга шўнғиди. Шу кўйи талай замон кўм-кўк ўрмонлар узра учиб борди”².

Ёки яна бир ўринда сиёсий ғалаёнлар бўлаётгандаги ҳолат ҳам ўзига хос тарзда акс эттирилган:

“Истироҳатгоҳдан чиқаётганларида савалай бошлаган ёмғир энди жалага айланёзган. Йўл қоронғидаги ойнадек ялтирайди. Ҳаво тунд, икки ёндаги дарахтзорлар оралаб энгил туман сузади. У ёқдан-бу ёққа зувиллаб ўтаётган машиналар қатнови зўрайган”³.

Юқоридагилардан кўринадикки, Эркин Аъзам аксар ҳолатда пейзаж тасвирни интерьер билан уйғун ҳолатда ифодалайди.

Равшан Ақобиров ва Фарҳод бир рус киноарбобининг уйида меҳмон бўлишгач, у ердан секингина кетмоқчи

¹ Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 184-бет

² Ўша китоб. 186-бет.

³ Ўша китоб. 167-бет.

бўлишганида, девор ошамиз деб, Равшан Ақобировнинг шими балчиққа буланади:

- Келинг, яхшиси, ечиб беринг. Ариққа чайиб оламиз-да, манови бутага илиб қўямиз, бирпасда қурийди-қолади. Шундай бўлгани билан Ақобиров хийла гўл, анойигина экан, дарров кўнақолди.

Ана, бутанинг устига ёйиб қўйилган касофат шим енгил шабадада оҳиста тебранади, эгаси эса мана – қандайдир тош устида яланг оёқларини керган кўйи букчайибгина хомуш ўтирибди. Бугун сайланган раис! Мана шу жойларнинг эртанги хўжайини!¹..

Бу парчадан Равшан Ақобировнинг ўзига хос мураккаб характери билан бирга содда ва анойи қилиқлари борлигини ҳам кўрсатиш орқали ёзувчи инсоннинг мураккаб хилқат экнлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Асарда XX асрнинг 90-йилларидаги давлат бошқаруви сиёсатидаги ўзгаришлар ҳам акс эттирилган. Хусусан, собиқ Иттифоқнинг тарқатилиши ва унинг таркибидаги республикалар, хусусан, Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигига эга бўлиши ҳолатлари ҳам тилга олинган. Бу воқеаларнинг маркази бўлган Москва шаҳридаги сиёсий ахвол ва ҳарбий ҳолат акс эттирилган. Воқеалар киночилар уйидаги ўзига хос муҳит тасвири орқали қуйидагича акс эттирилган:

¹ Ўша китоб. 148-бет.

“...Нонуштадан сўнг ҳовлига чиқилгач, ошкора жонланиш юз берди. Норғул-норғул, айримларининг бошида юлдузчали фуражка (бир-иккитаси қаёқдандир кўпол этик ҳам топиб олибди!), чинакам халқ орсидан чиққан, халқ ҳаётининг ифодачилари саналмиш киноҳужжатчилар – бир тараф; катак пинжакли, кўзойнак таққан қилтириқ-қилтириқ соф санъат ишқибозлари – бир тараф”¹.

Бундай таъриф икки хил тоифа инсонларнинг умумлашма образлари ҳосил бўлишига сабаб бўлган. Янаям аниқроғи, шу икки хил инсонларнинг типик хусусиятлари жамланган. Ушбу тоифаларнинг ўзига хос жиҳатлари таърифи кейинчалик ҳам давом эттирилади:

“Этиклилар колхоз турмушидаан олинган, ғира-шира оқшом тасвирларию қувноқ “частушка”ларга бой, ичақдек чўзма-сақич кинороманлари билан шуҳрат қозонган эди. Кўзойнаклилар эса – дафъатан тушунилиши қийин, диққинафас ҳолатлару мавҳумотга тўла жумбоқнамо сирлар яратиб, олисларга талпингани талпинган. Этиклиларнинг халқчил ижодини булар писандига илмайди, “Жўн, ибтидоий!” деб бурун жийириб қарайди”²

Бу тасвирлардан нафақат кино оламидаги, балки ҳозирги кун адабий жараёнида ҳам кузатилётган анъанавий ва модернистик адабиёт ижодкорларини ҳам кўриш мумкин. Яъни кимдир оддий, ҳамма учун тушунарли тилда асар

¹ Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 165-бет.

² Ўш китоб. 176-бет

яратади, кимдир, ёки қайсидир ижодкорлар ҳеч ким ҳатто ўзи ҳам тушунмайдиган тилда ижод қилади. Бу асаридан ўзларининг таъбирлари билан айтганда фақат “хос” кишилар хабардор бўлишлари мумкин.

Асарнинг айрим ўринларида драматизмни ошириш учун кескин вазиятлар ҳам берилган. Хусусан, Равшан Ақобировнинг Фарҳоднинг севгилиси бўлган Вика билан дон олишиб юрганини эшитган Фарҳод унга катта даврада тарсаки туширади.

“Ақобиров ҳеч кимга арз қилмади. Арз қилса, агар хоҳласа – сендек бир безорини кино соҳаси-ку майли, Тошкентдан ҳам учуриб юбормоққа қурби етарди. Нечукдир шунга бормади. Кўп ўтмай унинг катта пойтахтга кўчиб кетгани хабари чиқди”¹.

Ақобиров билан боғлиқ тафсилотларнинг яна бир ўзига хос жиҳати, яъни ушбу образнинг жўмардлигининг аёнлашгани, ноинсоф эмаслиги, вақтида эътироф ҳам қила билиши асарнинг сўнгида акс эттирилган. Ушбу ўринда муаллиф ҳар доимгидай учинчи шахс ҳақида сўзламасдан иккинчи шахс қарата сўзлаган:

“Ақобировдан олган мактубингдаги сўнги жумлаларни эслаб, шу тобда кўнглинг алланечук ҳазин тортди, кўзларингга ҳатто ёш келиб кетди: “Акангиздан ҳалиям ранжиб юргандирсиз? Қўйинг, бари ўтди энди... Мен бир тузук

¹ Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 178-бет

меҳр кўрмай, мусофир юртларда дарбадар ўсган ғариб бўлсам, нимамдан ўпкалайсиз, укам?!”¹

Бундаги аканинг укасига айтадиган кўнгил розлари кўп йиллар меҳр кўрмай, мусофирчиликда дарбдар кезган бир инсоннинг руҳий ҳолти англашилади.

Романда Фарҳоднинг муваффақият қозонган асари “Ишқ исёни” асари Алишер Навоийнинг “Лисонут тайр” асаридаги “Шайх Санъон” қисси асосида ёзилган бўлиб, ушбу асарда ўша машҳур ҳикоятнинг киноталқини акс эттирилганлиги хусусида сўз боради. Лекин бу ишқнинг Фарҳоднинг Вика каби энгил табиатли рус қизига бўлган севгисига тенглаштирилиши романдаги ёзувчининг ҳиссиётга берилиши билан боғлиқ хатоликларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Романдаги “Ишқ исёни” киносценарийсининг мазмунининг берилишини композицион унсурлардан қистирма эпизоднинг киритилганлигини далолатлайди. Бу эпизод қисман бўлса-да Фарҳод образининг ички кечинмаларини ифодалашга хизмат қилган.

Фарҳоднинг ўз тақдири асарда ҳикоячи қаҳрамон нутқи билан берилган. Бунда ҳикоячи қаҳрамон Фарҳоднинг ўзи бўлиб, асар тилида сарказмдан унумли фойдланилган:

“Ана энди ўзингдан гапир! Ўзинг... эл қатори. Йўқ, элдан зиёдароқ, албатта. Тагингда дабдабали мансаб машинаси, кўл остингда ҳақ деб тургувчи, аслида сердаъво, серғавфо кўп

¹ Эркин Аъзам. Шовқин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 185-бет

соқолдору бесақол. Гапинг – гап, сўзинг – сўз. Бу ёқда уй-рўзғор бут, бари бадастир. Ишларинг бир текис, бир маромда. Уч қиз жой-жойини топиб кетган. Ия, тополмаган биттаси қайтиб келиб ўтирибди ҳам. Ҳай, пешона-да, начора?”¹

Роман бадиияти ёзувчи маҳоратини очиб бериши ҳар хил романларда турлича тарзда амалга оширилади. Хусусан, композицион унсурларнинг жойлашуви, яъни асар тузилиши ҳам шунга мос равишда шакллантирилган.

Ҳатто кичик фаслларга берилган сарлавҳалардан ҳам сарказм сезилиб туради. Хусусан, Қандалалар меҳмони“, “Қочоқ. Бурёт маликаси. Кетсанг кетобер ёрим“, “Четдан келган раис. Хотинларнинг азроили“, “Базмхонадан бошланган маччойи сайр. Шўртумшуқ Гуля” кабилар шулар жумласидан.

Композицион ўзига хослик ва бадиийлик масаласида қуйидаги фикрга эътибор қаратиш лозим: “Композициянинг бадиийликдаги ўрни уч жиҳатдан билинади, биринчидан, унинг кучи китобхонни воқеага ишонтиришдадир, иккинчидан, у ҳаёт билан қай даражада алоқадор (ўша воқеалар шу тартибда рўй бериши мумкинми), учинчидан, тасвир қаҳрамонлар характери орқали қанчалик асосланган”². Эркин Аъзам романларидаги композициянинг бадиийликка дахлдор ушбу жиҳатлари деярли амалга оширилган ва улар кўзга

¹ Эркин Аъзам. Шовкин. – Т., Ўзбекистон, 2011. 186-бет

² Тўйчиев Уммат. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент. Янги аср авлоди. 2011. – Б. 336.

ташланади. Яъни, муаллифнинг кўпчилик романлари ҳаётини воқелигу акс эттирилганлиги учун ҳам ишонарли чиқади. Китобхон бундай воқеалар ҳаётда бўй бериши мумкинлигига ишонади. Шунингдек, тасвирнинг қаҳрамонлар характерлари орқали асосланиши ҳам худди шу каби ҳолатда. Чунки қаҳрамонлар ҳам ўзимизнинг замондош инсонларимиз. Бу ҳақида юқорида ҳам таъкидлаб ўтган эдик.

Асардаги инсоний муносабатлар ва ҳиссиёт ифодасида ёзувчи композицион унсурлардан ҳам ўрни билан фойдаланади. Хусусан, айрим ўринларда интерьерлар, шунингдек, бадиий деталлар ҳам ёзувчи маҳорати ифодаси сифатида кўзга ташланади. Хусусан, Фарҳоднинг Виканинг уйида қолиб кетган бўлмоғи, Равшан Ақобировнинг лой бўлган шими, “бурёт маликаси”нинг сочи шулар жумласидандир.

Асарда ўзбекна ғурурнинг тоғлардек юксак эканлигига ишора мана шу ўринда акс эттирилган. Ўз юртига эгалик ҳисси уни янада гуллаб яшнашига ҳисса қўшишга чорлашининг яна бир кўриниши романдаги Фарҳод ва Равшан Ақобиров образларининг конфликти орқали амалга оширилади.

Эркин Аъзам романларида қаҳрамон масаласи ўзига тарзда, ўзига хос услубда талқин қилинган. Ўзига хос хусусиятларга эгалиги яққол кўзга ташланади. Булардан бири Эркин Аъзам роман қаҳрамонлари характерини очиб

беришда баъзан муаллиф, баъзан ҳикоячи қаҳрамон нутқидан унумли фойдаланиши, улар нутқидаги ҳажвийлик орқали асосий характернинг ўзига хос жиҳатларига урғу бера олишида кўринади.

Ёзувчи романларидаги қаҳрамонлар асосан замондош инсонлар бўлиб, уларнинг характер-хусусиятлари орқали бугунги ижтимоий ҳаёт тарзидаги эврилишларни, юксалишларни кузатиш мумкин.

Қаҳрамонлар характер-хусусиятларини очиб беришда ёзувчи уларнинг ўз нутқидан унумли фойдаланади.

“Адабиёт бадиий образларнинг мураккаб системаси орқали инсон туйғулари, эҳтироси, психологияси ва онгининг жамият, давлат, тарих ва табиат билан боғлиқлик даражасини очиб беради. Адабиёт инсонни тасвирлаш орқали реал воқеликни гавдалантиради”¹.

Эркин Аъзам романларидаги образлар талқини ва бадиий маҳорат масаласи юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Романлар бадиияти ўзига хос тарзда бўлиб, ёзувчи характерлар талқинида композицион унсурларининг жойлашуви ва ифодасига алоҳида аҳамият қаратади. Булар асар сарлавҳаси, портрет чизгилар, интерьер тасвирларининг ўринли ва аҳамиятли эканлигида кўринади.

¹ Муаллифлар жамоаси. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. – Тошкент. Фан. 1978. – Б.153.

- Бадиий деталларнинг ҳам ўзига хос кўринишлари деярли ҳар бир романда кўзга ташланади. Булар портрет, предмет, психологик ёки нутқий деталлардир.
- Асарлар бадииятида муаллиф ёки персонаж нутқининг ҳам аҳамияти катта. Улар орқали қаҳрамонлар характери кўпроқ очиб берилади.

Хулоса қилиб айтганимизда, Эркин Аъзам романларидаги образлар талқинида бадиий маҳоратнинг ўрни беқиёс. “Бадиийликда адабиётнинг хосияти (спецификаси) мезонининг биринчи мароми адабий техникадир”¹. Асар бадиияти мазмунга мутаносиб, ўринли ва юксак савияда талқин этилмаса, бадиий асар муваффақиятга эришмайди. Эркин Аъзам романларидаги ўзига хос талқинлар ва ютуқлар билан бирга айрим камчиликлари ҳам мавжуд эканлиги ҳақида профессор Қ.Йўлдошев тадқиқотида айрим тимсолларнинг фаолиятда чуқурроқ кўрсатилиши муваффақият келтириши таъкидланади. Шундай бўлишига қарамай, адиб бадиийликнинг маромларини яхши ўзлаштирганлиги учун ҳам унинг романлари ўз мухлисларини топган деган фикрдамиз.

Умуман олганда, Эркин Аъзамнинг “Шовқин” романида ҳам замон ва маконни тавсифлаш қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати ва дунёқарашлари орқали амалга оширилганлиги

¹ Тўйчиев Умнат. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент. Янги аср авлоди. 2011. – Б. 28.

таҳлиллардан аёнлашади. Эркин Аъзам маҳорати
қаҳрамонлар талқинидаги ҳажвий тавсиф орқали
ифодаланганлигида кўринади.

Хулоса

Роман жанри ўзбек адабиётида азалдан шаклланиб, тараққий этиб келаётган эпик жанрлардан ҳисобланади. Ушбу жанрнинг ривожланиши янгича мазмун билан бойиб боришида ўзига хос ҳисса қўшиб келаётган адибларимиздан бири Эркин Аъзам бўлиб, унинг “Шовқин” романи бугунги кунда ўз мухлисларига эга эканлиги, ўзига хос янгича характерлар талқини билан ажралиб туриши уларни тадқиқ этиш заруратини юзага келтирди.

“Ижод жараёнида санъаткорнинг диққат марказида турадиган нарсалардан бири – инсоннинг шахс сифатидаги конкрет хусусиятларини, индивидуал белгиларини кўрсатишдир. Томчида қуёш акс этганидек, бадиий асарда инсон ҳаётининг конкрет манзаралари, индивидуал белгилари орқали ҳаётдан олинган умумлашмалар ифодаланади”¹. Шу маънода Эркин Аъзам романида турли тоифа кишиларнинг шахс сифатидаги индивидуал белгилари ёрқин кўзга ташланади. Ушбу адиб асарларида алоҳида образларининг турфа хил табиати акс эттирилган. Эркин Аъзам романи қаҳрамонларини ижобий ёки салбий каби тоифаларга ажратишнинг иложи йўқ. Чунки аксар қаҳрамонлар замондош инсонлар бўлиб, уларда ҳам ҳар бир инсонда бўладиган камчиликлар ва ютуқлар бирдек кўзга ташланади.

¹ Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент. Ўзбекистон. 2002. – Б.47.

Эркин Аъзамнинг “Шовқин” романида кўпроқ учрайдиган образлар кино саноати масъуллари бўлган турфа тоифа инсонлар. Бу хил инсонлар типига Фарҳод Рамазон, Равшан Ақобиров, Гуля Лагутина кабиларни киритиш мумкин. Ушбу образлар адиб маҳоратининг ўзига хослигини кўрсатиб бера оладиган тарзда яратилган. Бу романларнинг бадиий салмоғи анча юқори бўлганлиги ҳам буни исботлайди.

Шунингдек, романда адибнинг мураккаб табиатли инсонларнинг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган ўринлари ҳам анчагина. Хусусан, Суръат, Паризод, Фарҳоднинг отаси, Глеб Акушин кабилар шулар жумласидандир.

Ушбу тадқиқот ишининг биринчи бобида Эркин Аъзам “Шовқин” романида бош қаҳрамон масаласи унинг ифода услуби, замон ва макон тавсифида қаҳрамоннинг ўрни жиҳатларига кўра тадқиқ этилди. Ушбу бобда адибнинг мавжуд романи таҳлил қилиниб, улардаги ёзувчининг ўзига хос ифода услуби ўрганилди. Шунга кўра ўзига хос хулосаларга келинди.

- Хусусан, адибнинг ушбу романида қаҳрамон ҳақидаги маълумотлар муаллиф тилидан ҳам, ҳикоячи қаҳрамон тилидан сўзланади. Кўп ҳолатларда ҳикоячи қаҳрамон воқеалардаги кузатувчи эмас, балки иштирокчи сифатида талқин этганидан бу ҳолат

романларда ҳаётийлик хусусиятини бўрттириб кўринишига сабаб бўлади.

- роман қаҳрамонлари ўзига хос талқин этилганидан уларнинг ижтимоий ҳаётнинг ёки бугунги куннинг кишилари эканлигига ишониш мумкин.
- Адибнинг “Шовқин” романида муаллиф нутқи киноявий нутқ бўлиб, бундай нутқ роман қаҳрамонларининг индивидуал хусусиятларини, мавжуд илатларини бўрттириб кўрсатилишига хизмат қилган.

Юқоридаги ўзига хос жиҳатлар Эркин Аъзам романнавислигидаги индивидуал жиҳатлар бўлиб, уларнинг мавжудлиги романлар муваффақияти ва ўқимишлилигини таъминлаган.

Ишнинг иккинчи боби “Образлар талқини ва бадиий маҳорат” деб номланган. Ушбу бобда образлар талқинида бадиий маҳоратнинг ўрни масаласи ва романларда бадииятнинг ифодаси, композицион унсурларнинг жойлашуви каби жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ушбу бобда Эркин Аъзам романларидаги композицион яхлитлик, сюжет қурилишидаги ўзига хослик, сюжет унсурларининг жойлашуви, компонентлар ифодасидаги индивидуаллик масалалари ўрганилган. Унга кўра адиб романлари бу борада ҳам оригинал ифодалар кўзга ташланиши алоҳида қайд этилган. Ушбу ўрганишлардан келиб чиқиб, қуйидагича хулосаларга келинган:

- Эркин Аъзам романида характерлар талқинида композицион унсурларининг жойлашуви ва ифодасига алоҳида аҳамият қаратилади. Бунга асар сарлавҳаси, портрет чизгилар, интерьер тасвирларининг ўринли ва аҳамиятли эканлиги мисол бўлади.
- Бадиий деталларнинг ўзига хос турларининг романларда қўлланилиши асар қаҳрамонларининг индивидуал қирралари кўринишида қўл келган. Ҳар бир детал қаҳрамон характерига муносиб танланган.
- Романда қаҳрамонларининг нутқи ҳам уларнинг характер-хусусиятлари кўринишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ушбу нутқ қаҳрамоннинг макон ва замонга дахлдорлиги жиҳатини кўрсатишда ҳам ўз ўрнига эгаллиги билан ажралиб туради.

Хуллас, Эркин Аъзамнинг “Шовқин” романи ҳозирги ўзбек насрида ўз ўрнига эга, бадиий жиҳатдан мукамал асарлар дейишимизга юқоридаги таҳлиллар асос вазифасини ўтайди. Роман образлари ҳаётийлик жиҳатига кўра ишонарли ва холис талқин этилганлиги уларнинг муваффақиятига замин бўлганлиги кўзга ташланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т., Ўзбекистон, 2002. – 559 б.
3. Иззат Султон. Адабиёт назарияси –Т., Ўқитувчи, 1986, - 407 б.
4. Шукуров Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. – Т., Ўқитувчи, 1979, -230 б.
5. Норматов У. Етуклик. –Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й, -368 б.
6. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти, –Т., Янги аср авлоди, 2005, - 419 б.
7. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент. Янги аср авлоди. 2011. – 508 б.
8. Тўраев Д. Янги ўзбек адабиёти. – Тошкент. Фан, 2008. – 191 б.
9. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси .–Т., Шарқ, 2002, -254 б.
10. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. –Т., ЎАЖБНТ, 2003. -361 б.
11. Эркин Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли. – Тошкент. Маънавият, 2001. – 206 б.

12. Эркин Аъзам. Жаннат ўзи қайдадир. – Тошкент. Шарқ, 2007. – 270 б.
13. Эркин Аъзам. Эртақ билан хайрлашув. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент. 2007. – 200 б.
14. Эркин Аъзам. Шовқин. – Тошкент. Ўзбекистон, 2011. – Б. 288.
15. Муаллифлар жамоаси. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. – Тошкент. Фан. 1978. – 416 б.
16. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т., Янги аср авлоди, 2006, - 544 б.
17. Гофуров И. Ям-яшил дарахт. –Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, - 230 б.
18. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т., Ўқитувчи, 1979, -367 б.
19. Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т., Ўқитувчи, 1999, - 544 б.
20. [www literature uz/](http://www.literature.uz/)
21. [www geogle uz/](http://www.geogle.uz/)
22. [www ziyonet](http://www.ziyonet)